**Товарларни етказиб бериш тўғрисидаги**

**2022 й. «14» октябрдаги 05/10-РТ-22-сонли контракт (лот № 155003)**

Самарканд ш. (контракт тузилган жой) — «14» ОКТЯБРЬ 2022й. (контракт тузилган сана)

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Самарканд шаҳар хокимлиги номидан Низом асосида хоким Ф.К.Умаров бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб Хусусий корхонаси "Premium Tikuv Mashinki" асосида фаолият олиб борувчи директор А.Турсункулов бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни кабул килади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

| № | Товарларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бирлик учун контракт нархи | ҚҚС | | Контрактнинг умумий киймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | % | суммаси | |
| 1 | 30 хил турдаги тикув машина Janome Diva | дона | 144 | 2 299 000 | 0 | 0 | 331 056 000 |
| 2 | 4-иплик оверлок | дона | 1 | 2 299 000 | 0 | 0 | 2 299 000 |
| | Жами | | | | | | 333 355 000 |

1.2. Контрактнинг умумий суммаси: 333355000 (Уч юз уттиз уч миллион уч юз эллик беш минг) сўмни ташкил килади (ҚҚСсиз) (сумма ҳарфлар билан).

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни тузилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик, контракт умумий суммасидан 30 % тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контракда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни кабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича ___- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15

февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт тузилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабргача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| **Етказиб берувчи** | **Буюртмачи** |
|---|---|
| Ташкилот номи: **Хусусий корхонаси "Premium Tikuv Mashinki"**<br>Манзил: Самарканд тумани, Охалик, Урташик махалласи<br>Телефон: +998935678688<br>Факс:<br>СТИР коди: 308 942 056<br>Х/Р: 20 208 000 805 447 387 001<br>Банк номи: «Ориент финанс»Самарканд шахар ХЁАТБ Самарканд филиали<br>МФО: 01 111<br><br>Рахбар: А.Турсункулов ____________<br>М.Ў. (имзо) | **Ташкилот номи: Самарканд шахар хокимлиги**<br>Манзил: Самарканд ш, А.Жомий кучаси 59 уй<br>Тел.: (66)2332496<br>Факс: (66)2310091<br>СТИР коди: 201 212 670<br>ОКОНХ: 97 600<br>Л.с: 30502286018401710960101800l<br>Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.<br>МФО: 00 014<br>Хоким: Ф.К.Умаров ____________<br>М.Ў. (имзо) |

Хукукшунос: Кўзда тутилмаган
Диплом ____________

Хукукшунос: ____________ Б.Тойиров
Диплом: В № 762945 18.06.2015 йил

4470016

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"PREMIUM TIKUV MASHINKI" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy [illegible] to'liq nomi)

"PREMIUM TIKUV MASHINKI" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish [illegible] ma'lumotlarini o'zgartirish)

08.10.2021 1049380 ro'yxat [illegible] kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308942056

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Samarqand [illegible] Qalik, O'rtashiq,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Samarqand tumani DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Самарканд шахар хокими**

**_______________ Ф.К.Умаров**

**2022 йил 5 Октябрь**

**Самарканд шахар хокимлиги “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тикув машиналар ва оверлок сотиб олиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши**
**Б А Ё Н И**

05.10.2022 йил **Самарқанд шаҳри**

**З.Б.Саидова** **Комиссия раиси, ишлар бошкарувчиси**

**Иштирок этдилар** **Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)**

Д.Турсунова
Ж.Мамаюсупов
У.Хасанов
Н.Гулямова
З.Умирова

**К У Н Т А Р Т И Б И :**
Самарканд шахар хокимлиги “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тикув машиналар ва оверлок сотиб олиш бўйича
Сўзга чиқганлар: Н.Гулямова ва У.Хасанов

---

Йиғилишда қайд этилдики, Самарканд шахар хокимлиги “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тикув машиналар ва оверлок сотиб олиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилишида 2022 йил 3 октябрдаги № 155003-сонли лот буйича 2022 йил 5 октябргача хокимликка хеч кандай маурожатлар келмади.

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Самарканд шахар хокимлиги “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тикув машиналар ва оверлок сотиб олиш бўйича хеч кандай маурожатлар келмади шу муносабатлар билан 2022 йил 3 октябрдаги № 155003-сонли лот буйича хусусий корхонаси “Premium Tikuv Mashinki” билан шартнома тузилсин.

2. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юклатилсин.

Р.С.Олимов Комиссия раиси

**Иштирок этдилар** **Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)**

Д.Турсунова

Ж.Мамаюсупов

З.Умирова

У.Хасанов

Н.Гулямова

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 155003 на приобретение Ускуналар хариди

Способ проведения электронный

Дата 03.10.2022

Время рассмотрения 03.10.2022 15:12

Закупочная комиссия Самарканд шахар хокимлиги ёшлар дафтари жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SAIDOVA ZEBO BEXBUDOVNA | хоким уринбосари | ёшлар дафтари |
| **Секретарь комиссии** | TURSUNOVA DILAFRUZ RAVSHANOVNA | бош хисобчи | ёшлар дафтари |
| **Член комиссии** | UMIROVA ZILOLA BOXODIROVNA | етакчи мутахассис | ёшлар дафтари |
| **Член комиссии** | GULYAMOVA NIGORA XUSINOVNA | кассир | ёшлар дафтари |
| **Член комиссии** | XASANOV ULUG'BEK BAXRONOVICH | касаба уюшма раиси | ёшлар дафтари |
| **Член комиссии** | MAMAYUSUPOV JALAL HAZRATQULOVICH | бош мутахассис | ёшлар дафтари |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.10.2022 года № лота 155003.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Машины швейные бытовые** |
|---|---|
| Подробное описание | Электромеханическая швейная машина выполняет 30 запрограммированных операций, в числе которых – прямые строчки, оверлочные, со смещением влево, а также потайные виды стежков для подшива низа. Агрегат производит автоматическое выметывание бельевых петель. Корректировка шага допустима по длине и ширине, до 4 и 5 мм соответственно. Максимальная скорость движения иглы – 400 ст/мин. Облегчают работу наличие съемной рукавной платформы, ручной нитеобрезной механизм, нитевдеватель, встроенное освещение в виде лампы накаливания. Доступна опция шитья двойной иглой. |
| Количество товара | 144.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 2 300 000.00 |
| Стартовая сумма | 331 200 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Оверлок** |
|---|---|
| Подробное описание | 4-х ниточный оверлок с дифференциальной подачей ткани. Прекрасное дополнение к швейной машине, при помощи которого |

| | |
|---|---|
| | Вы сможете профессионально обработать изделие. Легко справляется как с тонким шифоном, эластичным трикотажем, так и со сложными джинсовыми материалами. Отличительные особенности швейной машины Усовершенствованная система заправки нитей Диапазон ткани от шифона до драпа Ширина шва 5 мм Длина стежка до 4 мм Коэффициент дифференциальной подачи: 0,5-2, 25 Технические характеристики швейной машины |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 2 300 000.00 |
| Стартовая сумма | 2 300 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик, банк ва бошка ташкилотлардан хамда мажбурий ундирилувчи карздорлиги мавжуд эмаслиги хакида тасдикланган маълумотномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик, банк ва бошка ташкилотлардан хамда мажбурий ундирилувчи карздорлиги мавжуд эмаслиги хакида тасдикланган маълумотномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчилари узига нисбатан банкротлик тартиб-тамойиллари жорий этмаган булиши, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестирида кайд этилмаган булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари узига нисбатан банкротлик тартиб-тамойиллари жорий этмаган булиши, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестирида кайд этилмаган булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Махсулот корхона омборида мавжудлиги хакида маълумотнома. Расми курсатилган булиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулот корхона омборида мавжудлиги хакида маълумотнома. Расми курсатилган булиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Махсулот етказиб берувчининг банк хисоб ракамида махсулот кийматининг 50% микдорида пул маблаги мавжудлиги тугрисида банк томонидан тасдикланган маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулот етказиб берувчининг банк хисоб ракамида махсулот кийматининг 50% микдорида пул маблаги мавжудлиги тугрисида банк томонидан тасдикланган маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Хар бир Махсулотнинг сертификати булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Хар бир Махсулотнинг сертификати булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов иштирокчиларининг иш тажрибаси, ишчи ходимлари сони (mehnat.uz сайтидан олинган QR кодли маълумотнома), техник транспорт восита мавжудлиги (тех.паспорт такдим килиниши шарт) тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиларининг иш тажрибаси, ишчи ходимлари сони (mehnat.uz сайтидан олинган QR кодли

маълумотнома), техник транспорт восита мавжудлиги (тех.паспорт такдим килиниши шарт) тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 20 | Барча хужжатлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 333 500 000.00 | 333 355 000.00 UZS | 333 355 000.00 | 00.00 | 333 355 000.00 | 03.10.2022 14:51:10 | 0 |
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 333 500 000.00 | 333 500 000.00 UZS | 333 500 000.00 | 00.00 | 333 500 000.00 | 03.10.2022 14:08:13 | 0 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **PREMIUM TIKUV MASHINKI XK** | 100 | 0 | 100 |
| **"Maxmudov 1998" MCHJ** | 95 | 0 | 95 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 155003 от 03.10.2022 года на приобретение Ускуналар хариди определила победителем:

PREMIUM TIKUV MASHINKI XK
308942056

и резервный исполнитель: "Maxmudov 1998" MCHJ (308987862)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SAIDOVA ZEBO BEXBUDOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | GULYAMOVA NIGORA XUSINOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XASANOV ULUG'BEK BAXRONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMAYUSUPOV JALAL HAZRATQULOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП